

АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗИ ЯНГИЛИКЛАРИ



2015 йил йил 13 февраль санасида А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида Ҳазрат Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунларига бағишланган тадбир ўтказилди.

АРМ ходимлари томонидан Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига оид адабиётлар ва электрон матнлар тақдимоти намойиш этилди.



Тадбирни Марказий институтнинг Маънавий-маърифий ва илмий ишлар бўйича проректор А.Бахрамов очиб берди: Ҳар бир инсон ўзлигини англашга, аждодлари ҳақида кўпроқ билишга, улар ҳаётини ўрганишга интилади. Бу борада эса тарихий асарлар бекиёс аҳамиятга эга.

Шуни қувонч билан айтиш мумкинки, Истиклол туфайли тарихимизни ҳаққоний ўрганиш имконига эга бўлдик. Кўплаб буюк бобокалонларимиз асарлари сингари Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодида ҳам ёшларимиз учун иборатомуз жиҳатлар кўп. Уларнинг Ватанни севиш, ота- онага ҳурмат, дўстга садоқат кўрсатиш хусусидаги фикрлари кишига юксак маънавий сабоқ беради. Бугунги тадбирдан кўзланган асосий мақсад, халқимизнинг бой маънавий меросини ёшларимиз онгига сипгдириш, уларда фахр-ифтихор туйғуларини шакллантиришдан иборат.

Тадбирда иштирок этаётган тарих фанлар номзоди, ЎзМУ тарих факультети доценти Неъматжон Полвонов сўзга чиқиб: биз буюк аждодларимиз Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур номлари билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Истиклол туфайли тарихимиз, урф-одатларимиз қайта тикланди, боболар адабий меросига эҳтиром, эътибор янада ошди. Алишер Навоий ва Заҳириддин

Муҳаммад Бобур яратган асарларда миллат тақдири, бирлиги, эл-юрт қайғуси, юртни ободонлаштириш, илм, санъат ва адабиётни ривожлантириш, Ватанга муҳаббат, меҳнатга садоқат, ахлоқий юксакликка интилиш, гўзаллик ва муҳаббат, меҳр ва мурувват, шахс эркинлиги, ижтимоий адолат учун кураш ғоялари тараннум этилади. Буюк аждодларимизнинг биз авлодларга қолдирган улкан адабий меросида инсонга хос ана шундай латиф туйғулар ўз аксини топган” лигини кайд этди.

Сўнгра кечанинг бадиий қисми бошланди: ЎзМУ филология факультети талабаси Йўлдошев Ўткирбек ва шу факультет талабаси “Зулфия” номидаги давлат мукофоти совриндори Гулистон Аслановалар томонидан ҳар икки шоир ижодидан шеърӣй намуналар ўқилди. Кечага йиғилган меҳмонлар, иштирокчилар эътиборига Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси Аҳроржон Имомов Навоӣй ва Бобур ғазаларига айтилган мумтоз наволарни жонли тарзда ижро қилди. А. Авлоний номидаги марказий институтида айна пайтда малакасини ошираётган тингловчилар томонидан Алишер Навоӣй ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурга бағишланган ғазаллар ўқилди. “Болалар мусиқа ва санъат мактаби” директор ўринбосарлари (МТ-49) гуруҳи тингловчиси Шухрат Ўрозов томонидан “Бобур армони” номли қўшиқ куйланди. Тадбир кўтаринки кайфиятда ташкил этилди.

LanguageUzbek